

ТАҚРИЗЛАР ВА АНОНСЛАР

ҚАҲРАМОНЛАР ХАРАКТЕРИНИНГ ТАЛҚИНИ

(Г.Холиқулованинг “Саҳна асарларидағи қаҳрамон харәктерини талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти” номли монографиясига тақриз. – Т.: Фан ва технология, 2015, 152 бет + 24 расмлар)

Уч минг йиллик күйхна тарихга эга халқимизнинг анъана ва урф-одатлари, қадриятлари, миллий тили, юксак маданияти ва бой тарихий мероси, маданий бойликлари бор. Тил – халқнинг бебаҳо ва муқаддас бойлигидир. Тилда халқнинг ўзлиги, буюк тарихи, миллий маданияти намоён бўлади.

Ўзбек тилининг гўзаллигини, софлигини сақлаб, уни чиройли ва равон нутқда намоён қилиш замонавий актёр олдидағи улкан ва масъулиятли вазифаларидан биридир. Демак, театр санъатини сўз санъатидан ажралган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Саҳна нутқи фанининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш, муаммо ва очилмаган қирраларини таҳлил қилиш, актёрни тарбиялашда унинг нутқини гўзаллаштириш, софлаштириш ҳамда мантиқий сўзлашга ўргатиш бўйича курсларда олиб борилган амалий машғулотлар, қўлланилган ва тажриба синовидан ўтказилган услугуб ва воситаларни тадқиқ қилиш натижалари монографиянинг яратилиши учун асос бўлган.

“Ватанимиз мустақиллигининг маънавий мезонларидан бири – бой тарихимизни қайта ўқиши ва баҳолаш, йирик тарихий воқеа ва буюк тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш имкониятининг пайдо бўлганлигидадир. Ана шундай имкониятлар туфайли ўзбек саҳна санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган улуг санъаткорларимиз ижодини ҳам ўрганиш, уларнинг саҳнадаги фаолиятларини кенг ёритиш, намунали ишларини давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади”, – дейди муаллиф (3-б.).

“Саҳна нутқининг шаклланиши ва ривожланиши” деб номланган бобда сўз санъатининг қудрати, саҳна нутқининг асосий вазифалари, драматик асарлар таҳлили ва нутқ равонлигини оширишда саҳна нутқи техникаси, актёр ва режиссёرنинг ҳамкорликда ишлаш усувлари бўйича илмий тадқиқотлар ўрганилган. Атоқли режиссёр Маннон Уйғур саҳналаштирган жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналари ва унинг шогирдлари, касбдошлари ва устоз-педагоглар фаолияти таҳлил қилинган (10–22-б.).

Ўзбек Миллий академик драма театрининг ривожланишида, республикамиз театрлари учун малакали кадрлар тайёрлашда, айниқса, маҳоратли режиссёр ва

актёрларни тарбиялашда қарийб етмиш йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўрни ва тарихий жараёнлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Жонкуяр профессор-ўқитувчиларнинг улкан ютуклари, устоз санъаткорларнинг ва издошларининг театр санъати ривожига қўшган заҳматли ва сермаҳсул хизматлари ёритилган. Ўзбек Миллий академик драма театри босиб ўтган юз йиллик ижодий йўл ва бу йўлда кечган мураккаб жараёнлар, драматург, режиссёр ва актёрларнинг мукаммал саҳна асарини яратиш йўлидаги сermашаққат меҳнатлари хақида баён қилинган (22–32-б.) .

“Саҳна асарларида қаҳрамон образини яратиша коммуникатив технологиялардан фойдаланиш” деб номланган бобда саҳна нутқи ва саҳна харакати технологияларининг ўрни ва вазифалари, тўғри нафас олиш қоидалари, нафасни мустаҳкамлашда йог динамик машқларидан фойдаланиш, гавда эркинлигини таъминловчи машқлар, овоз ва нафаснинг уйғунлиги, овоз йўналтириш йўллари, артикуляция ва резонатив машқлар, акс садо, дикция, орфоэпия, оғзаки нутқда кузатиладиган товуш ўзгаришлари, диққат, қувваи хотира, эшитиш ва баҳолаш, актёр учун кўз машқларининг аҳамияти каби мавзулар комплекс машқлар ва мисоллар асосида батафсил ёритилган(33–86-б.).

Орфоэпиянинг адабий талаффуз қоидалари унли ва айрим ундош товушларнинг талаффузи, айрим грамматик шакллар талаффузи мисоллар асосида изоҳланган (69–80-б.). Масалан: *Xx ва Xҳ ундошларининг ёзилиши ва талаффузида фарқ бўлади. Xx – чуқур тил орқа, жарангсиз, сирғалувчи ундош бўлиб, Xҳ – жарангсиз, сирғалувчи, бўғиз ундошидир. Бу ундошларни фарқламаслик маъно ўзгаришига олиб келади: шоҳ- шоҳ, хил- ҳил каби*(69–75-б.).

Оғзаки нутқда кузатиладиган товуш ўзгаришларининг ассимиляция, диссимилляция, метатеза, товуш орттирилиши, товуш тушиши, сингармонизм каби турлари мисоллар орқали тушунтирилган. Масалан: *рeгрeссив ассимиляция – кейинги товушнинг таъсирида олдинги товушнинг ўзгариши: түзсиз (туссиз), ёзсин (ёссин), танбур (тамбур), карнай (каннай), маҳкам (маккам) кабилар.*

Ёзувда акс этадиган товуш ўзгаришлари мисоллар орқали берилган. *I, э, а, у, ў, о* фонемаларининг талаффузи афоризм ҳамда мақоллар мисолида ўрганилган. Масалан: *Элдан ошма, элдан қолишима. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил* (76–78-б.) .

Товушларни тўғри ва оҳангдор талаффуз қилиш қўнималари тез айтишлар орқали ривожлантирилиши ва тузатиш мумкин бўлган нутқий камчиликлар устида ишлашда тез айтишлардан фойдаланиш яхши натижа бериши баён қилинган ва мисоллар тавсия этилган. Масалан: *Боқи Бахтиёрга бодомни битталаб бердими? Бахтиёр Боқига бодомни қоплаб бердими?* (78–80-б.).

Диққат, хотира тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ва диққатни тўплаш, хотирани мустаҳкамлаш учун машқлар тавсия этилган. Масалан: *Гуруҳ айланада ҳосил қилиб туради. Ҳар икки қадамда бир марта ўнг оёққа саналади. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10. Айлананинг шакли ўзгариб кетмасликка, қадамларни партнёрнинг қадамига мослаширишига, қоматни эркин ва чиройли тутишига, овознинг томошибин томон йўналишига асосий диққат қаратиласди.*(83–84-б.)

Эшитиш ва баҳолаш каби элементлар ҳам диққат учун зарурлиги ва талабаларнинг тасаввурини кенгайтириш ва хотирасини мустаҳкамлаш учун эшитиш орқали диққатни тўплашга доир машқлар берилган. Масалан: *Талабалар чордона қуриб ярим доира шаклида ўтирадилар. Кўзлар юмилгач, қўллар икки тизза устига жойлашган ҳолда вазифани тинглайдилар. Вазифа: 10 сония ичида ташқаридаги овозларни, 10 сонияда коридорни, сўнгги 10 дақиқада аудиторияни эшитиш керак. Ҳамма талаба диққат билан ташқаридаги овозларни эшита бошлийди. Кўзларни очиб, биттадан ким нечта овоз эшитганлиги текширилади. Масалан, қушиларнинг овози. Бунда фақатгина қушининг овозини эшитмасдан, балки қайси қушилар сайраганлиги, неча марта сайраганлиги, ўша қушиларнинг ташки қўриниши қанақалиги, қаерда ва нима учун сайраганлигигача таърифлаб бериши керак. Ёки одамларнинг овозлари, кимлар – таниши, таниши эмасми, ёши нечаларда, айнан нима деди ва ҳоказо* (85–86-б.).

Унли ва ундош товушларнинг тўғри талаффузини таъминлашга ёрдам берувчи комплекс машқлар ва этюдлардан фойдаланиш, арқондан сакраб, коптоқчани ерга улоқтириб санамалар айтиш, табуретка билан ишлашнинг турли қонунларига бўйсундирилган усуллар билан шеърлар ва мақоллар айтиш жуда яхши натижаларни бераётгани баён қилинган ва бир неча актёрлик санъати унсурларини қамраб олган “Мушуклар”, “Илонлар ороли” каби янги этюд технологиялари тавсия қилинган. Масалан: *Актёрлар мушук ҳолатини эгаллайдилар. Мускуллар ниҳоятда бўши, яъни мушук пластикасини эгаллашга ҳаракат қиласидилар. Албатта, ҳайвонлар ҳаракатидаги гармония ва баданидаги камолотга инсон ҳеч қачон эриша олмайди. Шундай бўлса ҳам актёр ўз тасаввури, ҳаракати, овози орқали вазифани бажаришига мажбур. Унга мақсад белгиланади. Мақсади – офтобда маза қилиб ухлаш.*

Нафасни диафрагмага олиб, “мяявв, мяявв”тovуши орқали нафас чиқариласди. Мушуклар яна нафас олиб, керишиб, энди ухламоқчи бўлганларида, уларнинг энг ёмон кўрган шериклари қаршиларида намоён бўладилар. Улар бирдан ҳурпаядилар. Яъни елкалари кўтарилиб, бошини қуий туширадилар ва уришишига тайёрланадилар. Қарама-қарши турган мушуклар жсангга киришиади. Ҳар қадамида “мяявв”тovушини талаффуз қилиб рақибларига

яқинлашадилар. Яқинлашганида учинчи мушук уларга “мяв, мяв!” товушини уришиши истамаган, уларни жсанжсалдан тұхтатиши оғанғида мурожсаат қиласы. Мушуклар жағлдан тушадилар (93 – 97-б.).

Машқлар давомида актёрнинг нутқидаги дефектлар йүқолади, овоз имкониятлари кенгаяди, асосийси характер яратып қобилияты ошади.

“Қаҳрамон образини яратышда новербал воситалардан самарали фойдаланиш муаммолари” деб номланган бобда новербал воситаларнинг қаҳрамон образини яратышдаги ўрни, адабий асарлар устида ишлаш ва ижрочилик маҳорати, ғазал жанри ва унинг устида ишлаш, мактуб ўқиши санъати мавзулари ўрганилган (98–132-б.).

Сахна нутқи вербал ва новербал воситалардан ташкил топиши, вербал восита сўз бўлса, новербал воситалар интонация, ургу, нутқнинг тез ёки секинлиги, овознинг баланд ёки пастилиги, мимика, нутқ жараёнидаги кўз ҳаракатлари ўрнида ва тўғри ишлатилганда кучли таъсирга эга бўлиши мисоллар орқали тушунтирилган.

Қаҳрамон образини яратышда новербал воситаларнинг улкан аҳамияти “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси архивидаги қатор актёрларнинг фотосуратларини талқин қилиш ва кўплаб спектаклларни кузатиш орқали ўрганилган.

Адабий асарлар устида ишлаш ва ижрочилик маҳорати мавзусида адабий парчалар, масал, шеърий асар, монолог, диалог устида ишлаш, мактуб ўқиши санъати, нотиқлик санъати масалалари ўрганилган.

Монографияда мавзулар комплекс машқлар, мисоллар ва расмлар асосида батафсил ёритилган.

Ушбу тадқиқот кўп йиллик тажрибалар натижаси, серманашақат меҳнат маҳсулидир. Монография нафақат санъатшунос ўқитувчиларга, бўлажак актёр ва режиссёрларга, театр ижодкорларига мўлжалланган, ундан филологлар, журналистлар, нотиқлар, бошловчилар ва барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Феруза Ҳайитова
доцент,
филология фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети